



## О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 15 » avgust

№ 445

Toshkent sh.

### Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департаменти фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 мартағи ПФ-6196-сон Фармони ҳамда “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

#### 1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 мартағи ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ:

жазони ижро этиш муассасаларига лицензия талаб этиладиган айрим фаолият турлари билан биргаликда тегишли лицензияни олмасдан фаолиятни амалга ошириш ҳукуқини, истисно тариқасида, бериш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департаментининг Марказлаштирилган жамғармасини қайта ташкил этиш ва озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ижро ҳужжатлари бўйича Давлат бюджетига жазони ижро этиш муассасалари томонидан ундирилган маблағларнинг 50 фоизи миқдоридаги ажратмаларни ҳамда бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадларни Жамғарманинг қўшимча манбалари сифатида белгилаш;

маҳкумларни “электрон назорат” қилишни таъминловчи ахборот технологияларини жорий этган ҳолда жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарорига мувофиқ;

жазони ижро этиш муассасалари ҳузуридаги давлат унитар корхоналари жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс ҳисобланмаган ва бюджетдан ташқари фаолиятни амалга оширадиган ишлаб чиқариш бўлинмалари сифатида қайта ташкил этилиши;

жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш фаолиятидан тушадиган маблағлар мазкур соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ва талаб юқори бўлган янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга йўналтирилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва фойдаси ҳисобидан жазони ижро этиш колониялари ҳузуридаги давлат унитар корхоналари томонидан банкдан олинган кредит бўйича қарздорликлари қопланиши, шунингдек, ишлаб чиқариш соҳасига замонавий технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

### 3. Белгилансинки:

жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш бўлинмалари (кейинги ўринларда – ишлаб чиқариш бўлинмалари) **юридик шахс ҳисобланмайди ва бюджетдан ташқари фаолиятни амалга оширади**;

жазони ижро этиш муассасалари давлат унитар корхоналарининг ҳукуқ ва мажбуриятлари бўйича **хукуқий вориси ҳисобланади** ҳамда давлат унитар корхоналарининг мол-мулки тегишли жазони ижро этиш муассасаларига ўтказилади;

жазони ижро этиш муассасалари бозор конъюнктураси ва ўз фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олиб, товарлар (ишлар, хизматлар) учун шартнома (эркин) нархларини (тарифларини) ва рентабеллигини **мустақил белгилайди**;

жазони ижро этиш муассасалари товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш нархларини (тарифларини) шакллантиришда ўз ишлаб чиқариш кувватларини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини техник қайта жихозлаш харажатларини, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш-техник базасини модернизация қилишни мажбурий ҳисобга олади;

товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш нархлари (тарифлари) ишлаб чиқариш бўлинмалари раҳбарлари томонидан ушбу муассаса фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти, унинг бўлинмалари ва муассасалари эҳтиёжлари учун эса – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти билан **келишган ҳолда тасдиқланади**;

жазони ижро этиш муассасалари ўз худудидаги ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департаменти билан келишиб, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликларининг қарорлари асосида худудий ягона буюртмачи хизматларини жалб қилган ҳолда товарларни (ишлар, хизматларни) сотишдан муассаса ихтиёрида қоладиган даромад ҳисобидан қуриш ҳамда реконструкция қилиш ҳукуқига эга;

жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишда табиий ресурслардан фойдаланиш (норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш, сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни маҳсус истеъмол қилиш) ҳамда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ (йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро микроавтобус ҳамда автобусларда ташиш) фаолият турларини амалга оширишда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларидан ва тадбиркорлик фаолиятининг айrim турларини лицензиялаш бўйича тегишли лицензия ва рухсатнома олмасдан фаолиятини амалга ошириш ҳукуқи берилади.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 15 октябрдаги 645-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

а) **Жазони ижро этиш муассасаларини 2022–2024 йиллар давомида босқичма-босқич техник воситалар билан жихозлаш ва жазони ижро этиш тизими фаолиятини рақамлаштириш дастури 1-иловага мувофиқ;**

б) куйидагиларни назарда тутувчи **Жазони ижро этиш тизими ходимларининг шахсий видеорегистраторлар (бодикамералар) билан таъминланган ҳолда хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ:**

жазони ижро этиш муассасаларида шахсий таркибнинг хизматни ўташ давомида видеорегистраторлардан (бодикамералардан) фойдаланиш тартиби;

жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ва жазони ижро этиш муассасаси ходимлари ўртасидаги мулоқотни видеорегистраторлар (бодикамералар) орқали қайд этиш тартиби;

маҳкумлар томонидан содир этилган тартиббузарликлар жараёнида видеорегистраторлардан (бодикамералардан) фойдаланиш тартиби;

videoregistratorlardan (бодикамералардан) фойдаланиш даврида хавфсизликни таъминлаш юзасидан қўйиладиган талаблар;

в) **2022–2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш тизими фаолиятини янада такомиллаштириш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури (“йўл харитаси”) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати давлат қўмитаси Ички ишлар вазирлигининг буюртмаларига асосан ушбу қарорга 1-иловада назарда тутилган ва Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқарилмайдиган мол-мулклар ўз вақтида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиб олинишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 15 августдаги 445-сон қарорига  
1-илова

**Жазони ижро этиш муассасаларини 2022-2024 йиллар давомида босқичма-босқич техник воситалар  
билим жиҳозлаш ва жазони ижро этиш тизими фаолиятини рақамлаштириш  
ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддатлар	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижро чилар
<b>I. Жазони ижро этиш тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш</b>					
1.	<p>Жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсоналарида катъий интизом ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, маҳкумларни саклаш ҳолатини назорат қилиш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш:</p> <p>ходимларнинг персонал видеорегистратор (бодикамера) билан хизматни ўташ тартибини татбиқ этиш;</p> <p>маҳкумларнинг жазони ўташ тартибини бузиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида кузатиш ва мустақил назорат қилиш имкониятига эга интеллектуал камералар (“Smart”) тизимини муассасаларга ўрнатиш;</p> <p>такиқланган буюмларни олиб кириш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш мақсадида муассасаларнинг назорат ўтиш жойларида рентген сканерларни ўрнатиш.</p>	<p>1. Кўйидагилар бўйича давлат харидини амалга ошириш:</p> <p>шахсий видеорегистраторлар (бодикамералар);</p> <p>интеллектуал камералар тизими (“Smart”);</p> <p>рентген сканерлар.</p> <p>2. Амалиётга жорий этиш.</p>	2022-2024 йиллар  Режа-график асосида	Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари маблағлари	Ички ишлар вазирлиги (Тураҳоджсаев), Мудофаа саноати давлат қўмитаси (Исмоилов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Пекось)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Молиялаштириш манбай	Масъул ижрочилар
2.	Маҳқумларни кайта тарбиялаш тактикасини тўғри белгилаш ва улар томонидан хукуқбузарликлар содир этилишининг барвакт олдини олиш мақсадида ҳар бир маҳқумнинг хулқатвори ва шахси ҳақидаги маълумотлар электрон базасини юритиш ва унинг асосида маҳқумларни тақсимлаш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш.	1. Техник топширикни ишлаб чиқиш.  2. Ускуналар учун давлат харидини ташкил этиш.  3. Амалиётга жорий этиш.	2022 йил октябрь  2022 йил декабрь  Жадвалга асосан	Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари маблағлари	Ички ишлар вазирлиги (Тураходжаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Пекось)
3.	Жазони ижро этиш муассасаларида маҳқумлар, шу жумладан, уларнинг қариндошлари томонидан қонун билан тақиқланмаган буюмларнинг эркин бозор механизмларига асосланган электрон дўйконлар орқали сотиб олиниши имкониятини яратиш.	1. Ускуналар учун техник топширикни ишлаб чиқиш (электрон дўйон).  2. Ускуналар учун давлат харидини ташкил этиш.  3. Амалиётга жорий этиш.	2022 йил декабрь  2023 йил апрель  Жадвалга асосан	Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари маблағлари	Ички ишлар вазирлиги (Тураходжаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Пекось)

**II. Жазони ижро этиш тизимини босқичма-босқич техник воситалар билан жиҳозлаш**

Т/р	Ускуналар номи	Ўлчов бирлиги	Умумий миқдори	Харид қилиш ва жиҳозлаш режалаштирилмоқда:						Молиялаштириш манбай	Масъул ижрочилар		
				2022 йил			2023 йил						
				миқдор									
				муассаса	ускуна	муассаса	ускуна	муассаса	ускуна				
1.	Ходимларни ДОК станцияли шахсий видеорегистратор (бодикамералар) билан таъминлаш	дона	771	4	40	7	381	5	350	Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари маблағлари	Ички ишлар вазирлиги (Тураходжаев, Абиджанов)		

2.	Муассасаларни интеллектуал камералар билан жиҳозлаш	тўплам	9 117	7	2 200	9	3 471	11	3 446		Мудофаа саноати давлат қўмитаси (Исмоилов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Пекось)
3.	Муассаса назорат ўтиш жойларида рентген сканерлар ўрнатиш	тўплам	29	2	2	14	14	13	13		

**Изоҳ.** Ўзбекистон Республикаси Ички ишилар вазирлиги томонидан заруратга кўра Жазони ижро этиши муассасаларини 2022-2024 йиллар давомида босқичма-босқич техник воситалар билан жиҳозлаш ва жазони ижро этиши тизими фаолиятини рақамлаштириши дастурига ўзгартиришилар киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 15 августдаги 445-сон қарорига  
2-илова

**Жазони ижро этиши тизими ходимларининг шахсий  
видеорегистраторлар (бодикамералар) билан таъминланган  
ҳолда хизматни ўташ тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Жазони ижро этиш муассасаларида (кейинги ўринларда – ЖИЭМ) шахсий таркибининг (кейинги ўринларда – ходимлар) хизматни ўташ давомида видеорегистратор (бодикамера)лардан (кейинги ўринларда – бодикамералар) фойдаланиш ҳамда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар (кейинги ўринларда – маҳкумлар) билан ўзаро муносабатлари вақтида ушбу мулоқотни қайд этиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**маҳсус мосламалар** – маҳсус автоматлаштирилган аудио, фото ва видео қайд этиши техника воситалари ёки мобил комплекслар;

**маҳкум** – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган моддаларда кўрсатилган жиноятларни содир этиб, суд хукмига асосан ЖИЭМга жазо муддатини ўташ учун келтирилган шахс;

**назорат** – ЖИЭМда маҳкумлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва тартиббузарликларнинг олдини олишга қаратилган тизим;

**тартиббузарлик** – маҳкумлар томонидан жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя қиласдан, ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида содир этилган ҳолат.

**2-боб. Жазони ижро этиш муассасаси ходимлари ўз хизматини  
ўташ вақтида маҳкумлар томонидан содир этилган тартиббузарликлар  
жараёнида бодикамералардан фойдаланиши**

3. Ҳар кунлик иш фаолиятини олиб бораётган ёки кунлик хизматга жалб этилган ходим маҳкумларни узлуксиз назорат қилиш ҳамда улар томонидан жиноят ва тартиббузарликлар содир этилишини аниqlаш учун бодикамералар билан таъминланади.

4. Бодикамера қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

кун тартибидаги тадбирларни амалга оширишда (уйқудан уйғотиш, нонушта, тушлик ва кечки овқат, саноқ текширувлари, олиб борилаётган тарбиявий профилактик тадбирлар);

умумий ва кунлик тинтувлар ўтказиш ҳамда кўздан кечириш жараёнида; маҳкумларни ЖИЭМга қабул қилишда;

жиноят ва тартиббузарликлар содир этилганда;  
маҳкумларнинг хулқ-атворини назорат қилишда;  
маҳкумлардан тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари, нарса ва буюмлар олинганда;  
маҳкумларга нисбатан жисмоний куч, маҳсус воситалар ҳамда тинчлантириш кўйлагини қўллаш чоғида;  
маҳкумларни ишга олиб чиқиш ва ундан қайтишда;  
маҳкумлар ва фуқароларни қабул қилиш жараёнида;  
фуқаролардан олинган йўқловларни қабул қилишда ҳамда посилка ёки йўқлов ва баңдеролларни тарқатиш вақтида;  
маҳкумларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишида;  
маҳкумларнинг учрашувларини ўтказиш жараёнида;  
маҳкумларга нисбатан интизомий жазо ва рағбатлантириш чоралари қўлланилаётган вақтда ҳамда маҳкумлар интизомий бўлинмага киритилаётганда ва чиқарилаётганда;  
маҳкумларнинг инсонпарварлик далолатномаларини кўриб чиқиши даврида.

5. Ходимларга бириктирилган бодикамераларнинг доимий равишида соз ва дастурий-техник таъминоти ишчи ҳолатда бўлиши юзасидан қатъий назорат олиб бориш вазифаси ЖИЭМ бошлиғи, унинг ўринбосарлари ва муассаса бошлигининг ёрдамчиси – тезкор навбатчи (кейинги ўринларда – МБЁТН) зиммасига юкланди.

6. Бодикамералар ишламаган ёки ходим томонидан рухсатсиз ўчириб кўйилган ҳолларда МБЁТН зудлик билан бевосита ЖИЭМ бошлиғи ёки унинг тегишли ўринбосарига ахборот беради.

Ҳар бир ҳолат юзасидан хизмат текширувлари ўтказилиб, айбдор ходимларга нисбатан интизомий жазо чораси қўллаш тўғрисида таклифлар киритилади.

7. Бодикамера ходимга нарядни қабул қилиш жараёнида мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шаклдаги дафтарда қайд этилади ҳамда бириктирилади.

8. Бодикамераларни қабул қилиш жараёнида уларнинг аккумулятор батареялари тўлиқ қувватланган бўлиши лозим.

9. Бодикамера қувватини тўлдириши автотранспортда ёки белгиланмаган жойларда амалга ошириш қатъиян тақиқланади.

10. Бодикамера ходим хизмат вазифасини бажаришга киришганидан бошлаб ишга туширилиши ва нарядни топширгунига қадар ишлатилиши лозим. (хизмат вазифаси билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажариш вақти бундан мустасно)

11. Хизмат вазифасини бажариш давомида бодикамеранинг объективи ҳар қандай ҳолатда тўсилиши мумкин эмас.

12. Бодикамерадан шахсий мақсадларда фойдаланиш, уни бошқа ходимлар, маҳкумлар ва бошқа шахсларга бериш ҳамда ўз хоҳиши билан ўчириб қўйиш тақиқланади. Бодикамера хизмат вақтида доимо ишчи ҳолатда бўлиши шарт.

13. Хизмат яқунида бодикамералардаги видео ёзувлар электрон маълумот сақлаш қурилмаларига юкланади (кўчирилади) ҳамда мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги дафтарда қайд этилади. Бодикамералардаги видеоёзувлар электрон маълумот сақлаш қурилмаларига юкланиб (кўчирилиб), электрон маълумот сақлаш қурилмалари ёки компьютер хотирасида 1 йил мобайнида тартибот бўлими (бўлинма) бошлигининг хизмат хонасида сақланади.

14. Ходим меҳнат таътилига, хизмат сафарига кетганда ёки вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлганда, шунингдек, бодикамера носоз ҳолатга келган тақдирда, ходим томонидан ЖИЭМ бошлиғи ёки унинг ўринбосарларига ахборот берилиб, тегишли ЖИЭМнинг ташқи навбатчилик қисмига тоширилади ва мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги дафтарда қайд этилади.

15. Ходим ўзига бириктирилган бодикамерани йўқотиб қўйган тақдирда, судлик билан МБЁТНга хабар бериши, у эса мазкур ҳолат юзасидан ЖИЭМ бошлиғи ёки унинг ўринбосарларига ахборот бериши лозим.

16. Ходимларга бириктирилган бодикамераларнинг мавжудлиги ва соз ҳолда эканлигини текшириб бориш МБЁТН зиммасига юкланади.

### **З-боб. Бодикамераларни ишлатиш чоғида ходимларнинг маҳкумлар ва бошқа шахслар билан ўзаро муносабатлари**

17. Ходим маҳкум билан сұхбат жараёнида ўзини танишириб, “Хурматли маҳкум, Сиз билан сұхбатлашиш жараёни бодикамера орқали ёзиб олинаётганлигини маълум қиласман” деб огоҳлантириши шарт.

18. Маҳкум ходимга ўзини таниширишда қуидагиларни баён этиши лозим:

фамилияси, исми, отасининг исми;

түғилган йили ва санаси;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қайси моддалари билан судланганлиги;

жазо муддатини ўтаётган туркуми.

19. Маҳкум томонидан ходимга хизмат давомида берилган бодикамерага зиён етказиш, уни олиб қўйишга уриниш тақиқланади.

Агар ушбу ҳолат содир этилган тақдирда, ходим томонидан тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб, маҳкум Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 105-моддасига мувофиқ интизомий жазога тортилади.

20. Ходим томонидан маҳкум билан сұхбат ўтказиш жараёнида ҳам бодикамерадан фойдаланиши мүмкін.

21. Ходимлар бодикамерадан фойдаланған ҳолда ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар түқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари шарт.

22. Маҳкумлар билан бодикамера орқали ёзиб олинган сұхбатларни Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш, маҳкумнинг оила аъзоларига ва бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

Бодикамера орқали ёзиб олинган ёзувлар хизматда фойдаланиш учун хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон хуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва адвокатура органлари томонидан юборилган сўровномага асосан тақдим этилади.

23. Ходимлар ва маҳкумлар сұхбат ўтказиш жараёнида муомала маданиятига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

24. Тартиббузарлик содир қилган маҳкумлар билан мулоқотга киришганда, уларни бодикамера орқали ёзиб олинаётганлиги тўғрисида огоҳлантириш шарт.

25. Маҳкумлар билан мулоқотга киришаётганда ходим хушёрликни йўқотмасдан, ўзини оғир, вазмин тутиб, ҳар қандай кутилмаган ҳаракатга қарши тайёр туриши лозим.

#### **4-боб. Хавфсизлик чораларига қўйиладиган талаблар**

26. Бодикамералардан фойдаланиш даврида унда сақланаётган видеоёзувларнинг кўчирилиши, ўчирилиши, ўзгартирилиши ва ундан нусха олиниши, блокланиши, компьютер курилмаларига уланиши, корпуси очилиши тақиқланади.

27. Бодикамера орқали қайд этилган, юборилган ёки кўчирилган видео ёзувларни олиш, сўраш ёхуд уларни ўзгартириш, хизмат зарурати билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда диспетчерлик марказларидағи мавжуд маълумотлар базаларидан текшириш тақиқланади.

28. Бодикамера бузилган ёки йўқолган ҳолатда, зудлик билан худудий ЖИЭМ бошлиғига (ЖИЭМ бошлиғи бўлмаган ҳолларда, унинг вазифасини бажараётган раҳбарга) ахборот бериб, курилмани вактинча ёки доимий блоклаш чоралари кўрилади.

## **5-боб. Якунловчи қоидалар**

29. Ҳар бир ходим ўзига бириктирилган бодикамераларнинг бут сақланиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади. Ходим бодикамераларнинг йўқолишига, унга қасдан зарар етказилишига, хусусан, унга ўрнатилган дастур ва иловаларнинг яроқсиз ҳолга келишига йўл қўйган тақдирда, жавобгарликка тортилади ва зарарни ўз ҳисобидан қоплайди.

30. Бодикамера фойдаланувчининг эҳтиётсизлиги оқибатида бузилганда, таъмирлаш ва тиклаш билан боғлиқ барча сарф-харажатлар ушбу қурилмадан фойдаланаётган ходим ҳисобидан ундирилади.

31. Бодикамералар бириктирилиши лозим бўлган ходимлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти томонидан белгиланади.

32. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланганд тартибда жавоб берадилар.

Жазони ижро этиш тизими ходимларининг  
шахсий видеорегистратор (бодикамералар)  
билин таъминланган ҳолда хизматни ўташ  
тартиби тўғрисидаги низомга

1-илова

*устки қисми*

**Бодикамерани ходимга биректириш ва қабул қилиш**  
**Д А Ф Т А Р И**

Бошланди: 20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_

Тамомланди: 20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_

*ички қисми*

T/p	Бодикамера рақами	Берилган бодикамера сони	Қабул қилиб олган ходимнинг Ф.И.О., маҳсус унвони ва лавозими	Қабул қилиб олинган сана ва соат	Топширилган сана ва соат	Қабул қилиб олган ходимнинг Ф.И.О., маҳсус унвони ва лавозими	Ишчи ҳолати
1.							
2.							
3.							
....							

Жазони ижро этиш тизими ходимларининг шахсий видеорегистратор (бодикамералар) билан таъминланган ҳолда хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга 2-илова

*устки қисми*

**Бодикамерадаги видеоёзувларни рўйхатдан ўтказиш  
ДАФТАРИ**

Бошланди: 20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_

Тамомланди: 20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_

*ички қисми*

T/p	Бодикамера рақами	Олинган видео ёзувлар таҳлили	Қабул қилган ходимнинг Ф.И.О., маҳсус унвони ва лавозими	Қабул қилинган қарор натижаси
1.				
2.				
3.				
...				

Жазони ижро этиш тизими ходимларининг шахсий  
видеорегистратор (бодикамералар) билан  
таъминланган ҳолда хизматни ўташ  
тартиби тўғрисидаги низомга  
З-илова

*устки қисми*

**Маълум бир сабабларга кўра ходим томонидан заарар етказилган ҳамда носоз  
холга келиб қолган бодикамераларни қабул қилиш**

**ДАФТАРИ**

**Бошланди: 20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_**

**Тугатилди: 20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_**

*ички қисми*

T/p	Бодикамера рақами	Топширилган- лик сабаби	Қабул қилган ходимнинг Ф.И.О., маҳсус увони ва лавозими	Қабул қилинган қарор натижаси
1.				
2.				
3.				
...				

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 15 августдаги 445-сон қарорига  
3-илова

**2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро  
этиш тизими фаолиятини янада такомиллаштириш борасида амалга ошириладиган  
чора- адбирлар дастури (“йўл харитаси”)**

T/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбай	Муддатлар	Ижро учун масъуллар
<b>I. Жазони ижро этиш колонияларида тезкор ва тартибот фаолиятини кучайтириш</b>					
1.	Манзил-колонияларда жазо ўтаётган маҳкумларни электрон тизим орқали саноқ текширувидан ўтказишни йўлга кўйиш.	1. Манзил-колонияларда маҳкумлар назоратини ташкил этиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш.  2. Ўрганиш натижаларидан келиб чикқан ҳолда, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни саноқ текширувидан ўтказиш бўйича электрон тизим учун лойиҳа-техник ҳужжатни ишлаб чиқиши ҳамда ваколатли органдан экспертизадан ўтказиш.  3. Электрон тизимни яратиш ва кейинчалик қўллаб-куватлаш бўйича молиялаштириш манбаларини аниқлаш.  4. Электрон тизимни синов тариқасида фаолиятга татбиқ этиш.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига хар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида	2022 йил октябрь  2022 йил ноябрь  2023 йил январь  2023 йил февраль	Ички ишлар вазирлиги  Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
<b>II. Маҳкумларни тарбиялаш, тўғри ижтимоий ҳаётга қайтариш ва уларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш</b>					
2.	Жазони ижро этиш муассасалари психологлари томонидан хизмат фаолиятида фойдаланиш учун <b>пенетенциар психология</b> йўналиши бўйича методик қўлланмалар тайёрлаш.	1. Ўзбекистон психологлар ассоциацияси билан ҳамкорликда “Бугунги кун маҳкуми”нинг психологик портретини, унга тасир ўтказиш усул ва услублари бўйича қўлланма ишлаб чиқиши.  2. Маҳкумларни ахлоқан қайта тарбиялаш жараёнига ахборот технологияларини жорий	Ички ишлар вазирлигига хар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида ва бюджетдан ташқари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган	2022 йил ноябрь  2022 йил декабрь	Ички ишлар вазирлиги  Молия вазирлиги

T/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Муддатлар	Ижро учун масъуллар
		этган ҳолда жамоатчилик вакиллари иштирокида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш.	бошқа маблағлар ҳисобидан		
3.	Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни ID-карта билан таъминлаш чораларини кўриш.	<p>1. Вазирлик Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари билан ҳамкорлиқда жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг фуқаролик паспорти билан боғлиқ муаммоларини қисқа муддатларда ҳал этиш амалиётини жорий этиш.</p> <p>2. Биометрик паспортга ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлмаган маҳкумларнинг рўйхатини шакллантириб, озодликка чиқсунига қадар ID-карталар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги-нинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан (маҳкумларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан)	2022 йил октябрдан бошлаб ҳар чоракда	Ички ишлар вазирлиги Маҳаллий ҳокимликлар
4.	Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган ёш маҳкумлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш.	<p>1. Ёш маҳкумлар билан тарбиявий-профилактик тадбирларни ўtkазиши, уларни ўқитиши ва уларга касб-хунар ўргатишини кучайтирилган тартибда ташкил этиш.</p> <p>2. Ёш маҳкумларни ахлоқан қайта тарбиялаш стратегиясини ишлаб чиқиб, алоҳида эътиборни давлат идоралари ва ташкилотлар ҳамкорлигига қаратиш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги-нинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан	2022 йил октябрь 2022 йил ноябрь	Ички ишлар вазирлиги
5.	Жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган шахслар билан тарбиявий-профилактик ишлар ҳамда индивидуал тадбирлар самарадорлигини ошириш.	1. Тарбиявий ишларни ташкил этиш бўлимлари таркибий тузулмасини танқидий қайта кўриб чиқиб, мазмун-моҳият касб этмайдиган “туркум бошлиғи” тушунчаларидан воз кечган ҳолда маҳкумларни ахлоқан қайта тарбиялаш, келгусида турмушга мослаштириш учун масъул бўлган “Ижтимоий ходим” лавозимини киритиш.	-	2022 йил октябрь	Ички ишлар вазирлиги

T/p	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Муддатлар	Ижро учун масъуллар
		2. Унинг хизмат вазифалари, хуқуқ ва мажбуриятлари доирасини аниқ белгилаб бериш.		2022 йил ноябрь	
6.	Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 58-моддаси талабларига асосан жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган чет эл фуқароларининг алоҳида - алоҳида сақланиши учун 14-сон жазони ижро этиш колониясида участка ташкил этиши.	<p>1. Жазо муддатини ўтаётган чет эл фуқароларини сақлаш учун Тошкент вилоятидаги 14-сон жазони ижро этиш колониясида участка ташкил этиш бўйича бўйруқ лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 58-моддаси талаблари асосида чет эл фуқароларини Тошкент вилоятидаги 14-сон жазони ижро этиш колониясида ташкил этилган участкада сақланишини ташкил этиши.</p>	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида	2022 йил ноябрь 2022 йил декабрь	Ички ишлар вазирлиги

### **III. Жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг соғлигини асрар ва уларга малакали тибий ёрдам кўрсатиш борасида**

7.	Жазони ижро этиш муассасаларида юрак қон-томир касалликлари билан диспансер назоратида турган маҳкумлар сони ортиб бораётганлиги, уларга нисбатан реабилитация, физиотерапия ва кардиологик тиббий ёрдам учун шарт-шароитларни яхшилаш мақсадида ихтисослашган касалхона негизида иккита янги бўлинма (реабилитация ва физиотерапия, кардиология) очиш.	<p>1. Маҳкумлар учун ихтисослашган касалхона койкаларининг қайта ташкил этилиши ҳисобига ихтисослашган касалхона негизида иккита янги бўлинма очиш (реабилитация ва физиотерапия, кардиология) ва зарур бўлган тиббий анжомлар билан жиҳозлаш.</p> <p>2. Маҳкумлар учун ихтисослашган касалхонага Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тасарруфидаги муассасаларнинг тор доирадаги мутахассисларини расмий равишда биринчириш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида	2023 йил февраль 2023 йил март	Ички ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги
----	---	---	---	-----------------------------------	---

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбай	Муддатлар	Ижро учун масъуллар
<b>IV. Жазони изжро этиши муассасалари моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш ҳамда тизимиға замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиши</b>					
8.	<p>Манзил-колонияларда назорат остида эркин ҳаракатланадиган ҳамда атрофи очик жойларда фойдали меҳнатга жалб этилган маҳкумларни электрон воситалар (браслет)дан фойдаланган ҳолда назорат қилиш.</p> <p>Пробация назоратидаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларини уларга электрон браслет воситасини таққан ҳолда, реал вақт режимида электрон кузатиш ва мониторинг қилиш.</p>	<p>1. Манзил-колониядаги маҳкумларга ҳамда пробация назорати остидаги шахсларга нисбатан электрон кузатув воситалари (браслет)ни синов тариқасида кўллаш.</p> <p>2. Манзил-колониядаги маҳкумларга ҳамда пробация назорати остидаги шахсларга нисбатан электрон кузатув воситалари (браслет) кўлланилиши юзасидан қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича норматив-хукукий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишиш учун манфаатдор вазирликлар ва идораларга киритиш.</p> <p>3. Норматив-хукукий хужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>4. Қабул қилинган қонунга асосан манзил-колонияларда жазо муддатини ўтаётган салбий ҳолат содир этишга мойил бўлган маҳкумларни ва пробация назорати остидаги шахсларни электрон кузатув воситалари (браслет) билан босқичмабосқич таъминлаш бўйича дастур қабул қилиш.</p>	<p>Ички ишлар вазирлигига ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида</p>	<p>2022 йил декабрь</p> <p>2023 йил январь</p> <p>2023 йил март</p> <p>2023 йил июнь</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги</p> <p>Молия вазирлиги</p>
<b>V. Ходимларнинг билим савияси ва қасб маҳоратини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда хизмат интизоми ва қонунчиликни мустаҳкамлаш</b>					
9.	Тизим ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун мўлжалланган маҳсус қасбий йўналтирилган ўқитиши ишларини	1. Жазони изжро этиши тизими ходимларини ИИВнинг академик лицейларида ҳамда Малака ошириш факультетида қисқа муддатли (5-7 кунлик) ўқув курсларини сифатли ташкил	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ҳар йили	Доимий равища	Ички ишлар вазирлиги

T/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Муддатлар	Ижро учун масъуллар
	ташкил этиш.	<p>этиш тизимини жорий қилиш учун Кадрлар бошқармаси тасарруфида Ўкув бўлими фаолиятини йўлга кўйиш.</p> <p>2. Ходимларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишда ИИВ, судлар, прокуратура органлари, ДХХ, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Омбудсман, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг юқори малакали, тажрибали ходимларини жалб этиш.</p>	ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида ва бюджетдан ташқари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар хисобидан		
10.	Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтгаётган маҳкумлар билан психологик ишларни тўғри ташкил этиш ҳамда тарбиявий ишлар бўлими психологларининг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш.	<p>1. Тарбиявий ишларни ташкил этиш бўлимлари таркибий тузилмасини танқидий қайта кўриб чиқиб, мавжуд штат лавозимлари ва иш ҳақи жамғармаси доирасида қайта тақсимлаган ҳолда ҳар <b>250 нафар маҳкум</b> учун <b>1 нафар психолог</b> лавозимини жорий этиш.</p> <p>2. Психолог лавозимида хизмат қилаётган ходимларни Тошкент давлат педагогика университетида босқичмабосқич тўлов-шартнома асосида қайта тайёрловдан ўтказиш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида ва бюджетдан ташқари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар доирасида	2022 йил ноябрь  Жадвал асосида	Ички ишлар вазирлиги  Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 15 августдаги 445-сон қарорига  
4-илова

## Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 13-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 5-модда) билан тасдиқланган Ёнгинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш, шунингдек ёнгинларга доир ахборотни тўплаш ҳамда ўзаро алмашиш тартиби ҳақидаги низомнинг 6-банди “в” кичик бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармасининг” сўzlари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департаментининг” сўzlари билан алмаштирилсин.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 октябрдаги 272-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 10-сон, 70-модда) билан тасдиқланган Давлат ёнгин назорати тўғрисидаги низомнинг 28-бандидаги “Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармасининг” сўzlари “Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департаментининг” сўzlари билан алмаштирилсин.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари нуқтаи назаридан гаров ва ипотека қўлланилиши мумкин бўлмаган обьектлар тоифалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2015 йил 8 майдаги 114-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 5-сон, 36-модда) 6-бандидаги “жазони ижро этиш муассасалари хузуридаги давлат унитар корхоналари” сўzlари “жазони ижро этиш муассасалари, уларнинг бюджетдан ташқари фаолият билан шуғулланувчи бўлинмаси балансида” сўzlари билан алмаштирилсин.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасининг марказлаштирилган жамғармаси тўғрисида” 2017 йил 23 октябрдаги 861-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 10-сон, 245-модда):

а) қарорнинг номидаги “Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасининг” сўzlари “Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департаментининг” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги “Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасининг” сўzlари “Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департаментининг” сўzlари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳирда баён этилсин:

“жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги фаолиятидан, шунингдек, хизматлар кўрсатишдан оладиган даромадларидан Жазони ижро этиш департаменти томонидан белгиланадиган микдорлардаги ажратмалар”;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар кўшилсин:

“озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ижро хужжатлари бўйича Давлат бюджетига жазони ижро этиш муассасалари томонидан ундирилган маблағларнинг 50 фоизи микдоридаги ажратмалар натижасида жамғариладиган маблағлари;

бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадлар”;

в) 2-банддаги “Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-банддаги “Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси (кейинги ўринларда ЖИЭББ деб аталади)” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти (кейинги ўринларда – ЖИЭД)” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 4-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) 5-банддаги “Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) иловада:

номи ва 1-банддаги “Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармасида (кейинги ўринларда – ЖИЭББ) сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментида (кейинги ўринларда – ЖИЭД)” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги “ЖИЭББ” қисқартмаси “ЖИЭД” қисқартмаси билан алмаштирилсин.

4-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳирда баён этилсин:

“жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги фаолиятидан, шунингдек, хизматлар кўрсатишдан оладиган даромадларидан ЖИЭД томонидан белгиланадиган микдорлардаги ажратмалар”;

куйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар кўшилсин:

“озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ижро хужжатлари бўйича Давлат бюджетига жазони ижро этиш муассасалари томонидан ундирилган маблағларнинг 50 фоизи миқдоридаги ажратмалар натижасида жамғариладиган маблағлари;

бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадлар”;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошидаги “ЖИЭББ” қисқартмаси “ЖИЭД” қисқартмаси билан алмаштирилсин;

5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Марказлаштирилган жамгарма маблағларидан қўйидагилар учун фойдаланилади:

ЖИЭД бинолари ва иншоотларини куриш ва реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш, шунингдек қурилиш материаллари харид қилиш, ЖИЭД ва унинг муассасалари бинолари ва иншоотларини жиҳозлаш;

жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда техник қайта жиҳозлаш;

жазони ижро этиш муассасаларига молиявий ёрдам кўрсатиш;

автотранспорт, алоқа воситалари, компьютер ва ташкилий техника, жиҳозлар ва хўжалик буюмлари харид қилиш, шунингдек, уларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;

маҳкумлар ва қамоқقا олинганларни қўриқлаш ва назорат қилишнинг замонавий техник воситаларини, шунингдек, ЖИЭД, унинг муассасалари учун бошқа замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари харид қилиш;

жазони ижро этиш муассасалари жойлашган жойларда ЖИЭД ва унинг муассасалари ходимларининг (ишчиларининг) эгаллаган лавозимда бўлиш муддати давомида яшаши учун мўлжалланган хизмат турар жойлари (квартиralар) куриш (харид қилиш), шу жумладан, иккиламчи бозорда харид қилиш;

консалтинг ва бошқа хизматлар билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

ЖИЭД ходимларини (ишчиларини) тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш харажатларини қоплаш;

даврий босма нашрлар, маҳсус адабиётлар, китоб маҳсулотлари, канцелярия буюмлари, ташқи тарғибот-тушунтириш воситалари (баннерлар ва бошқалар) харид қилиш;

ЖИЭД ва жазони ижро этиш муассасалари ходимларига, ишчи ва хизматчиларига моддий ёрдам кўрсатиш, устамалар белгилаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш;

семинарлар, давра сұхбатлари, конференциялар, амалий машғулотлар, тренинглар, профилактик, маданий ва тантанали тадбирлар ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, бошқа ишлаб чиқариш ва майший эҳтиёжлар;

Ўзбекистон Республикасида қидирувда бўлган маҳкумлар хорижий давлат судлари томонидан жаримага тортилган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларига биноан кейинчалик маҳкумларнинг ойлик иш ҳақларидан ушлаб қолинишини назарда тутган ҳолда тўланадиган жарима маблағлари”.

6 – 8, 11, 13 – 15, 20, 22, 24, 26 ва 27-бандлардаги “ЖИЭББ” сўзи тегишли сон ва келишиқдаги “ЖИЭД” сўзи билан алмаштирилсин;

26-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзпахтасаноат” АЖ корхоналарида ишлаб чиқарилган пахта толасини сотиш ва ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 12 февралдаги 106-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 2-сон, 31-модда):

1-банднинг учинчи хатбошидаги “Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси” сўzlари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти” сўzlари билан алмаштирилсин;

1-илованинг 4-бандидаги “Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси” сўzlари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти” сўzlари билан алмаштирилсин.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 апрелдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасининг жазони ижро этиш муассасаларида фаолият кўрсатаётган умумтаълим муассасалари рўйхати матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
хузуридаги Жазони ижро этиш департаментининг жазони ижро этиш  
муассасаларида фаолият кўрсатаётган умумтаълим муассасалари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Биринчи минтақавий ҳудуд 24-сон тарбия колониясининг 5-умумтаълим мактаби.

2. Тошкент вилояти Зангиота тумани халқ таълими бўлими 35-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Биринчи минтақавий ҳудуд 21-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги филиали.

3. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани халқ таълими бўлими 12-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Биринчи минтақавий худуд 7-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги филиали.

4. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими 22-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Биринчи минтақавий худуд 13-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги филиали.

5. Навоий вилояти Навоий шаҳар халқ таълими бўлими 4-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Бешинчи минтақавий худуд 4-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги филиали.

6. Навоий вилояти Қизилтепа тумани халқ таълими бўлими 5-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Бешинчи минтақавий худуд 5-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги филиали”.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлик жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 5 мартағи 128-сон қарорида:

а) 5-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“жазони ижро этиш муассасаларини видеокузатув воситалари ва видеорегистраторлар билан таъминлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган бюджет маблағлари, Жазони ижро этиш департаментининг Марказлаштирилган жамғармаси ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаалар ҳисобига амалга оширилади”;

б) иловада:

4-банддаги “Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси (кейинги ўринларда ЖИЭББ деб аталади)” сўzlари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти (кейинги ўринларда – ЖИЭД)” сўzlари билан алмаштирилсин;

26-бандда:

“ЖИЭББ” қисқартмаси тегишли сон ва келишикдаги “ЖИЭД” қисқартмаси билан алмаштирилсин:

йўн бешинчи хатбошидаги “ва давлат унитар корхоналари” сўzlари чиқариб ташлансин;

27-бандидаги “ЖИЭББ” қисқартмаси “ЖИЭД” қисқартмаси билан алмаштирилсин;

29-банд қуидаги таҳирда баён этилсин:

“29. Жазони ижро этиш муассасалари жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари раҳбарлик қиладилар.

Тошкент шаҳрида жойлашган жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари ЖИЭД бошлигининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари ЖИЭД бошлиғи билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири ва минтақавий мувофиқлаштириш марказлари бошлиқлари тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади”;

30-банддаги “ЖИЭББ” қисқартмаси “ЖИЭД” қисқартмаси билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 февралдаги 85-сон қарори билан тасдиқланган Дипломатик корпус, халқаро ва маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларининг жазони ижро этиш муассасалари ташрифини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 4-банддаги “Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасига (кейинги ўринларда – ЖИЭББ)” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департаментига (кейинги ўринларда – ЖИЭД)” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5, 9, 10, 11, 13, 16, 19, 21-26, 28, 29, 31, 33-бандлардаги “ЖИЭББ” қисқартмаси “ЖИЭД” қисқартмаси билан алмаштирилсин;

в) 1-илова матнидаги “Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасига (кейинги ўринларда – ЖИЭББ)” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департаментига (кейинги ўринларда – ЖИЭД)” сўзлари, шунингдек, “ЖИЭББ” қисқартмаси тегишли сон ва келишикдаги “ЖИЭД” қисқартмаси билан алмаштирилсин;

г) 2-илова матнидаги “Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасига (кейинги ўринларда – ЖИЭББ)” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департаментига (кейинги ўринларда – ЖИЭД)” сўзлари билан, шунингдек, “ЖИЭББ” қисқартмаси тегишли сон ва келишикдаги “ЖИЭД” қисқартмаси билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 марта даги 143-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, тергов ҳибсоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсоналарида сақланаётган шахслар, шунингдек, маҳсус қабулхоналарда маъмурий қамоқ жазосини ўтаётган шахсларни озиқ-овқат билан таъминлаш меъёрларида:

а) “3-сон меъёр” бўлимининг изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларнинг тергов ҳаракати ёки суд мажлисидаги иштирокини таъминлаш учун амалга оширилаётган конвой ҳаракати давомида тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналари томонидан ушбу муассасаларнинг ички тартиб қоидаларида белгиланган вақтда конвой қилинаётган шахсларни овқатлантириш учун конвой хизматларига ушбу меъёр бўйича тайёрланган озиқ-овқат ажратилади.

Махсус қабулхонада сақланаётган шахслар ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб этилган тақдирда, махсус қабулхонанинг ички тартиб қоидаларида овқатлантириш белгиланган вақтда махсус қабулхона томонидан ушбу меъёр бўйича ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб этилган шахсларни меҳнат қилаётган жойида овқатланишлари таъминланади”;

бешинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) “5-сон меъёр” бўлимининг изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Тергов ҳибсхоналарида сақланаётган қамоққа олинган шахслар бир тергов ҳибсхонасидан бошқасига этап қилинаётган вақтда ушбу меъёрдаги озиқ-овқат билан таъминланади”;

биринчи ва иккинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 15 августдаги 445-сон қарорига  
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “2018-2024 йилларда жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 11 ноябрдаги 904-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг “Жазони ўташ муассасалари ҳузурида давлат унитар корхоналарини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 20 ноябрдаги 924-сон қарори.
3. Вазирлар Маҳкамасининг “Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 5 мартағи 128-сон қарори 1-бандининг “в” кичик банди ва унга 3-илова.

